# Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 8-OKTABR, SESHANBA, 121 (8202)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




**Шу кунларда кузги ғалла экишнинг айни пайти. Фермер-деҳқонларимиз келгуси йил ҳосили учун пешма-пеш ғалла экишга киришяптилар. Бу билан улар биринчидан, ғаллаларини айни агротехник муддатда экишга муваффақ бўлишса, иккинчидан, ғўзаларида кейинги пишиб етилаётган кўсакларни шамоллатиб, тезроқ очилишига эришишяпти.** 2



**Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Осиё ва Кавказ Глобал сув ҳамкорлиги ташкилоти билан ҳамкорликда 12-Республика экожурналистика танлови доирасида «Сув бу — ҳаёт» мавзуида фототанлов эълон қилди. Фототанловни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад: ҳаёт манбаи бўлган сувдан оқилона фойдаланишни кенг тарғиб қилишдир.** 3



**Тошкент шаҳрида дзюдо бўйича соврин жамғармаси 100 минг АҚШ долларини ташкил қилган Гран-при туркумидаги халқаро мусобақа якунланди. Унда беш олтин, уч кумуш ва беш бронза, жами ўн учта медаль жамғарган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.** 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

# ЭЛ-ЮРТГА МУҲАББАТ ИФОДАСИ

*Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда*

Халқимизнинг барча соҳаларда эришаётган ютуқлари, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллагани, бугунги тинч, осуда ва фаровон ҳаётимиз фақат истиқлол туфайлидир.

Шу кунларда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи барча жойларда бўлгани каби таълим масканларида ҳам чуқур ўрганилмоқда. Юртбошимиз нутқида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Режага биноан барча таълим муассасаларида мазкур нутқнинг моҳиятини "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари аъзолари иштирокида ўқувчи-ёшлар онгу-шуурига чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Ҳар биримизнинг ҳаётимиз, тақдиримиз, эртанги кунимиз Ватанимиз мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир, – дейди Тошкент шаҳридаги 144-умумтаълим мактаби директори Нилуфар Ҳусанбоева. – Бугунги кун болалари, том маънода, мустақиллик фарзандларидир. Истиқлолнинг қадр-қимматини ёш авлодга самарали ва таъсирчан тарзда тушунтириш ўқитувчилардан катта билим ва педагогик маҳорат талаб этади. Шу боис, Президентимизнинг Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи энг аввало педагогик жамоамизда пухта ўрганиб чиқилди.

Барча жойларда бўлгани каби ушбу билим масканида ҳам "Мустақиллик дарслари"да ўтган йигирма икки йил давомида халқимиз босиб ўтган йўл, жаҳон тан олган ютуқларимиз, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, иқтисодиётимизни янги асосда ташкил этиш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлар, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора гўзаллашиб, обод бўлиб бораётгани ўқувчиларга ёрқин ва таъсирчан мисоллар ёрдамида кенг тушунтирилмоқда.

Ҳафтанинг жума куни мазкур умумтаълим мактабида ўтказиладиган «Тарбиявий соат» жараёнида мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда ночор ўлкадан ўз кучи ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, ўзининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир, бугун изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий, мустақил ва суверен давлатга айлангани ҳужжатли фильмлар, тарихий фотосуратлар, китоблар, қўшимча ўқув материаллари ёрдамида ёшларга етказилмоқда.

Бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига қўшилишдек олий мақсадлар сари дадил интилаётган мамлакатимизнинг тараққиёт одимлари, дунёда "ўзбек модели" сифатида кенг эътироф этилган тараққиёт стратегиясининг аҳамияти, мазмун-моҳияти «Тарих», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари», «Ҳуқуқ» фанларида муайян мавзуларга боғлаб ўқувчиларга кенг тушунтирилмоқда.

**(Давоми 2-саҳифада)**

Бухоро Вилояти



# САНЪАТ ВА ТАРБИЯ

**Бухоро шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида икки юз ўғил-қиз мусиқа ва тасвирий санъат сирларини пухта ўрганмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида моддий-техника базаси мустаҳкамланган мазкур масканда фортепьяно, ўзбек халқ чолғулари, хореография, тасвирий ва амалий санъат йўналишларида машғулотлар олиб борилмоқда. Ёшлар тасвирий ва амалий санъат кўргазмалари, концерт дастурларида фаол қатнашиб, ўз иқтидори ва кўникмаларини синовдан ўтказаётир.

**СУРАТДА:** *ўқувчи Марям Саиджонова.*

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.**

**КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

# МАҲАЛЛА – ЭЗГУЛИК ВА ОБОДЛИК МАСКАНИ

**Фуқаролик жамияти – ҳуқуқий давлатнинг негизи, асосий заминидир. Фақат кенг сиёсий, ижтимоий ҳуқуқларга эга бўлган, шу жамият, шу юрт тараққиётига камарбаста бўлиш, оиласини, маҳалласини, Ватанини обод этиш истаги билан яшаётган инсонгина фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин.**

Маҳалла – фуқаролик жамиятининг фақат ўзимизга хос бўлган бошқарув институтидир. Истиқлол йилларида маҳалла фуқаролик жамиятининг муҳим ва фаол бўғини сифатида ўзини тобора намоён этмоқда. Маҳалланинг ҳаётимиздаги, жамиятимиздаги тутган ўрни ортиб, ваколатлари кенгаймоқда. Бугунги кунда республикамиздаги ўн мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга ўттиздан зиёд вазифа бажариб келинаётгани ҳам фикримизнинг исботидир. Хусусан, унинг ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш борасидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида бу ҳақда батафсил сўз юритилди.

Тадбирда Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда маҳалла институтининг мавқеини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлашди. Тадбирда қайд этилганидек, залворли ва ўта масъулиятли вазифаларни амалга оширишда Обод турмуш йили улкан имкониятлар эшигини очди. "Обод турмуш йили" Давлат дастури асосида фонд томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам бунинг яққол далилидир.

**(Давоми 4-саҳифада)**

Юксалиш одимлари

Қашқадарё Вилояти

# ҚАРШИ АЭРОПОРТИ ХАЛҚАРО ПАРВОЗЛАР УЧУН ОЧИҚ

**Мамлакатимизда халқаро аэропортга эга бўлган шаҳарлар яна бештага кўпайди. Андижон, Наманган, Фарғона, Термиз шаҳарлари қаторида Қарши шаҳридаги аэропорт ҳам ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун очилди.**

— Аэропортнинг халқаро парвозлар учун очилиши катта аҳамиятга эга, — дейди "Қарши аэропорти" давлат унитар корхонаси директори Ўктам Кенжабоев. — Бундай аэропортлар чегара, божхона хизматлари ва бошқа идораларнинг самарали фаолият олиб бориши учун тегишли инфратузилма ва шароитларга, шунингдек, халқаро парвозларга хизмат кўрсатиш учун ходимлар ва иншоотларга эга бўлиши керак. Бизда қисман бу имкониятлар ва шароитлар аввалдан мавжуд эди. Эндиликда уларни янада мустаҳкамлаш, яхшилаш чоралари кўрилади.

Айни пайтда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ва парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш бўйича Давлат инспекциясига юқоридаги бешта аэропортнинг мақоми тўғрисидаги маълумотларни аэронавигация ахбороти тўғрисидаги халқаро тўпламларда чоп этиш вазифаси юклатилган.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

Сирдарё Вилояти

# ЯНГИ ҲОСИЛ ТОЛАСИ

**"Гулистонпахтатозалаш" заводи жамоаси бу йил тумандаги фермер хўжаликларидан 27 минг 800 тонна хомашё қабул қилиб олишни мақсад қилган.**

Ҳозиргача қабул масканларига уюлган хомашё 12 минг тоннадан ошиб кетди. Шундан 1,5 минг тоннасини уруғлик пахта ташкил этади.

Цехларда янги ҳосилни қайта ишлаш қизғин паллада. Кунига 130-140 тонна пахта қайта ишланиб, ундан ўртача 40-45 тонна сифатли тола олинаётир.

— Фермер хўжаликларини терим мавсумида рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани хомашё тозалиги, сифатлилигини таъминлаш имконини бераётир, — дейди корхона раҳбари Асад Дадабоев. — Ҳозиргача ҳосилдорликни 40 центнердан оширган фермер хўжаликлари кўпчиликни ташкил этмоқда.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

ЖАҲОН ВА БИЗ

## ТОШКЕНТ – ШАНХАЙ:

# БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

**Яқинда Тошкент шаҳар делегацияси амалий ташриф билан Шанхайда бўлди. Мазкур ташриф доирасида мамлакатимиз делегацияси аъзолари Хитойнинг турли идоралари, савдо ва саноат ташкилотлари ҳамда олий ўқув юртларининг вакиллари билан қатор учрашувлар ўтказдилар.**

Томонлар қурилиш ва меъморчилик, транспорт-коммуникация, шаҳар кўкаламзорлаштирилиши ва ландшафт дизайни, уй-жой-коммунал хўжалиги, маиший қаттиқ чиқиндиларни йиғиш ҳамда сувни тозалаш соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

Ташриф давомида Тошкент шаҳар делегацияси аъзолари мамлакатимиз пойтахтининг иқтисодий ва сармоявий имкониятлари, маданий-гуманитар ва бошқа йўналишларда биродарлашган шаҳарлар — Тошкент ва Шанхай ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштиришнинг истиқболлари мавзуига бағишланган тақдимотни ҳам ўтказдилар.

**Хитой Халқаро савдо ва сармояларни илгари суриш бўйича қўмитасининг Шанхай бўлинмаси раиси ўринбосари Ван Лие** қайд этганидек, ХХР раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга буюрган давлат ташрифи муваффақиятли ва самарали кечгани ҳолда икки томонлама сармоявий ҳамкорликка кучли туртки берди.

Унинг маълум қилишича, Хитой иқтисодиёти ва савдосининг етакчи минтақаларидан бири бўлган Шанхай инновация технологияларини татбиқ этишга кўмаклашиши ҳамда Ўзбекистондаги истиқболли лойиҳаларни узоқ муддатли сармоялашга интилаётган маҳаллий компанияларни қўллаб-қувватлаши мумкин. Ван Лиенинг ҳисоблашича, тўқимачилик тармоғи, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва балиқчилик соҳалари ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўла олади.

**Умумхитой саноат ва тижорат федерацияси раисининг ўринбосари Ван Чжисюн** Ўзбекистоннинг иқтисодий, саноат ва сармоявий салоҳиятини, мамлакатнинг макроиқтисодий ислоҳотлари ҳамда диққатга молик бўлган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичларини юқори баҳолади.

Унинг фикр билдиришича, Хитой ва Ўзбекистон раҳбарлари имзолаган Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги Қўшма баёнот узоқ йиллар давомида маънан яқин бўлган халқлар ўртасидаги дўстликнинг гарови бўлиб қолади.

— Ўз навбатида, 2014 – 2016 йилларда ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумни тузишга Тошкент ва Шанхайнинг тайёр эканлиги биродарлашувни чуқурлаштириш ва барча йўналишларда шерикликни фаоллаштириш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий якунидир, — дейди Ван Чжисюн. — 1994 йили икки шаҳар биродарлашган пайтдан бошлабоқ улар бизнес ва савдо, шаҳарни бошқариш ва ривожлантириш, маданият, таълим, спорт ва соғлиқни сақлаш сингари соҳаларда самарали ҳамкорликни қўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

Ўзбекистон вакилларининг мазкур ташрифи чоғида Шанхай университети ҳовлисига тантанали "тош қўйиш" маросими ҳам бўлиб ўтди – у ерда Алишер Навоийнинг ҳайкали қад кўтаради.

**Шанхай университети ректорининг ёрдамчиси, ШҲТ Жамоатчилик дипломатияси илмий-тадқиқот институтининг директори Ли Вэй** ушбу ўқув даргоҳи ҳудудида буюк ўзбек шоири ва давлат арбоби хотирасига бағишлаб ёдгорлик ўрнатилиши ҳақидаги хушхабардан жуда қувонганини айтди.

— Алишер Навоий ҳайкалининг ўрнатилиши икки мамлакат халқлари ўртасидаги кўп асрлик маданий-гуманитар алмашувларнинг ҳамда ўзаро дўстона муносабатларнинг рамзи бўлиб қолади, — деди у. — Яна шуни ҳам қайд этишни истардимки, бизнинг олий ўқув юртимизда Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилган. Булардан ташқари, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент Давлат шарқшунослик институти билан Англашув меморандумлари имзоланган.

**«Жаҳон» АА**

*Шанхай*

**Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос иқтисодий тараққиёт йўли дунёнинг кўплаб халқаро мутахассислари томонидан эътироф этилаётир. Бу эътирофнинг нақадар тўғрилигини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда кузатилган иқтисодий барқарорликда ҳам кўриш мумкин.**

# БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ КАФОЛАТИ

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ЙЎНАЛТИРГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙИШИ, ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШИШИ ҲАМДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШГА, ПИРОВАРДИДА, ИҚТИСОДИЁТ ЮКСАЛИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Биргина мисол, глобал иқтисодий инқироз шароитида ҳам Ўзбекистон банкларининг активлари ҳамда капиталлашув даражаси ўсди. Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган "Инқирозга қарши чоралар Дастури", энг аввало, иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланадиган банкларнинг молиявий ҳолати ёмонлашувининг олдини олди. Шунингдек, айни шу жараёнда молия муассасаларининг ички имкониятларини кенгроқ очиш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, етакчи тармоқларни модернизациялашдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимизнинг 2008 йил 11 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони кўплаб эзгу ишларга дастуриламал бўлди. Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқларида иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий мутаносиблик ҳамда барқарор ўсишни таъминлаш, саноатнинг етакчи тармоқлари, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, аҳоли бандлигига кўмаклашишга хизмат қилган мазкур ҳужжат асосида тижорат банклари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўтган даврда тижорат банкларининг салмоқли миқдордаги инвестициялари ва кредит ресурслари иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқарув механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига йўналтирилди.

Таъкидлаш ўринлики, тижорат банкларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси ўзини тўлиқ оқлади. Тижорат банкларининг молиявий, ташкилий имкониятларидан иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштиришда кенг фойдаланиш механизми янгилик бўлиб, дунё банк тажрибасида қўлланилмаган эди. Ушбу усулга кўра, тижорат банклари банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналарини аукцион ва танлов савдолари орқали сотиб оладилар. Бунда банклар ўз балансига олган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда қайта жиҳозлашни таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қиладилар, кейинчалик эса банклар мазкур корхоналарни инвесторларга бозор қийматида сотадилар.

Иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш механизми янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш, янги иш ўринларини яратиш баробарида, банкротлик туфайли хизматчиларга ўз вақтида берилмаган ойлик маошларни, таътил пулларини қоплаб беришдек муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифани ҳам бажаради.

2013 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, тижорат банклари балансига 171 та корхона қабул қилинган бўлиб, уларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун молия муассасалари томонидан 442,6 миллиард сўм миқдорида инвестициялар киритилган. Булар, асосан, кредиторлик қарздорлиги таркиби 70 фоиздан ортиғини банк кредити ташкил этган, баҳоланиш қиймати 2 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган, унда 100 ва ундан ортиқ иш ўринлари яратиш имконияти мавжуд бўлган, фаолияти ҳукумат томонидан энг муҳим деб топилган ҳамда ишлаб чиқарадиган маҳсулотига ички ва ташқи бозорда эҳтиёж бўлган корхоналардан таркиб топган.

Тижорат банклари инвестициялари ҳисобига 156 та банкрот корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилиб, уларда 25 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди. Шу кунга қадар 122 та корхона стратегик инвесторларга сотилди.

Фаолияти тикланган корхоналарда бугунга қадар 2,3 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 631,9 миллион АҚШ доллари миқдоридаги саноат маҳсулотлари экспорт қилинди.

Қайта тикланган корхоналарнинг муваффақиятли фаолият юритишида мамлакатимизда солиқ имтиёзларининг берилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Тижорат банклари томонидан, шу жумладан, бошқа инвесторлар иштирокида янгидан ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб, то стратегик инвесторга сотилгунга қадар, уч йил мобайнида мол-мулк солиғи, ягона солиқ, даромад ва ер солиқларидан озод этиладилар.

Сирасини айтганда, бугун фаолияти қайта тикланиб, маҳсулот ишлаб чиқара бошлаган, уни экспорт қилаётган корхоналарда минглаб кишилар ишли бўлди. Демакки, бу пировард мақсад – аҳоли фаровонлигини ошириш, юрт иқтисодиётини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлар ўзининг ижобий самараларини бераётганининг ёрқин натижасидир.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ**

ПАРРАНДАЧИЛИК

# ХАЗИНА КЎЗИ ОЧИЛМОҚДА

**Истиқлол йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида бугун паррандачилик ҳам энг сердаромад тармоқлардан бирига айланди. Олдин фақат йирик фабрикаларда тухум ва парҳез гўшт етиштирилган бўлса, энди улар қаторига кичик-кичик фирмалар, корхоналар қўшилди. Айниқса, деҳқон хўжаликлари ва аҳоли бу борада етакчи кучга айланди.**

Натижада тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди. Жумладан, ўтган йили мамлакатимизда 3 миллиард 873 миллион донадан ортиқ тухум, 48 913 тонна парранда гўшти ишлаб чиқарилди. Тармоқда илғор технологияларнинг кенг жорий этилаётгани ва наслчилик ишларига жиддий эътибор қаратилаётгани ҳам ана шундай юқори самарадорликни таъминламоқда. Айниқса, маҳсулдорликни ошириш мақсадида паррандалар наслининг яхшиланиб борилаётгани соҳани янада тараққий эттиришда қўл келаётир. Мисол учун, илгари жўжалар 150 кунда тухумга кирган бўлса, энди бу муддат анчайин кунга қисқарди. Парҳез гўшт етиштириш жараёни эса ўртача 35-40 кунни ташкил этяпти.

Айни пайтда тухум йўналишидаги тез етилувчи "Ломанн", "Декалбр", "Хайсекс", "Хай-Лайн" ва "Родонит-3" каби парранда зотлари республикамиз паррандачиларига яхши маълум. Гўшт йўналишида эса "Росс-308", "Хаббард F-15" бройлер кроссларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу турдаги чатишган жўжаларнинг тирик вазни 38-42 кунлигидаёқ 2,4-2,7 килограммга етади. Озуқа конверсияси (жўжанинг тирик вазни 1 килограммга етиши учун сарфланадиган озуқа миқдори) 1,7 килограмм ва сақланиши 97 фоизни ташкил этади. Бу эса халқаро талабларга тўла жавоб беради.

Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелда "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори паррандачилик хўжаликларининг моддий-техника аҳволи яхшиланишида муҳим омил бўлмоқда. Мазкур қарорга асосан 2012 йилнинг 1 январига қадар солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилган эди. Натижада ўтган вақт давомида бу борада анчагина маблағ иқтисод қилиниб, улар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилди. Эътиборли жиҳати шундаки, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги қарорига асосан мазкур имтиёзлар 2014 йил 1 январгача узайтирилди. Бу эса соҳа ривожида яна бир муҳим қадам бўлди.

Яна бир жиҳат: паррандалар маҳсулдорлиги уларнинг махсус рацион асосида тайёрланган озуқалар билан етарлича озиқлантирилишига боғлиқ. Бунинг учун озуқа таркибида витаминли минерал премикслар, аминокислоталар, ферментлар, пробиотиклар каби қўшимчалар меъёрида бўлиши талаб этилади. Мамлакатимизда ана шу талабларга жавоб берадиган парранда озуқаси ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бу борада илғор тажрибалардан фойдаланишга алоҳида этибор қаратилмоқда. Шунингдек, паррандаларнинг касалликларга тез чалиниши ва парваришдаги нозик жиҳатлари инобатга олиниб жойларда ветеринария хизматини янада такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда. Мамлакатимиз шароитида хавфли саналган паррандаларнинг юқумли касалликларига қарши доимий тарзда профилактика ишлари олиб борилмоқда. Бу борада замонавий технологиялардан фойдаланилаётгани юқори самарадорликка эришишда қўл келмоқда. Кўплаб йирик паррандачилик хўжаликларида махсус ветеринария лабораториялари ташкил этилган. Мисол учун, "Тошкент парранда", "Қибрай парранда", "Мароқанд парранда" масъулияти чекланган жамиятлари, "Бухоро парранда" очиқ акциядорлик жамияти ҳамда "Самарқанд парранда" қўшма корхонасида замонавий ускуналар билан жиҳозланган ана шундай ветеринария лабораториялари фаолият кўрсатмоқда.

Халқимизда "етти хазина" деган ибора бор. Улардан бири — товуқ, яъни паррандачилик. Соҳага қаратилаётган эътибор натижасида бугун ушбу тармоқ ҳақиқий хазина манбаига айланмоқда.

**Ҳаким НОРМУҲАМЕДОВ,**
**"Паррандасаноат" уюшмаси бошқарма бошлиғи.**

# ЭЛ-ЮРТГА МУҲАББАТ ИФОДАСИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Шунингдек, «Иқтисодий билим асослари» фанида халқимиз иқтисодий соҳаларда эришган улкан ютуқлар ҳақида сўз юритилса, «Ватан туйғуси», «Она тили», «Адабиёт», «Одобнома» дарсларида маънавий-маърифий жабҳалардаги янгиланиш жараёнлари, халқимиз маънавиятини юксалтириш борасидаги эзгу ишлар хусусида атрофлича сўз юритилмоқда. Миллатимиз генофондини янада соғломлаштириш, баркамол авлод келажаги, саломатлиги йўлидаги ибратли ишлар «Соғлом авлод асослари» фани машғулотларида атрофлича тушунтирилмоқда.

Мактаб ўқувчиларининг истиқлол йилларида мамлакатимизда барпо этилган иншоотлар, майдон ва хиёбонлар, мажмуаларга саёҳатлари мунтазам тарзда уюштирилаётгани ўқувчи-ёшларни бугунги ёруғ ва саодатли кунларимизнинг қадрига етишга ундамоқда. Янги ўқув йили бошланганидан буён ўтган кунлар мобайнида улар Мустақиллик майдони, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи, Темурийлар тарихи давлат музейи, «Бунёдкор» спорт мажмуаси, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, Алишер Навоий кўчасидаги янги кўп қаватли уйлар билан танишди.

– Мамлакатимизда ёшларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган, қалби чексиз ғурур ва ифтихорга тўла, юксак билим ва маънавиятли, теран тафаккур соҳиблари бўлиб вояга етиши, ўз қизиққан соҳалари бўйича касб-ҳунар эгаллаши йўлида кўрсатилаётган доимий меҳр-эътиборни ҳар куни, ҳар дақиқа астойдил ҳис этмоқдамиз, – дейди шу мактабнинг 9-синф ўқувчиси Чарос Билолова. – Мен ўтган ўқув йилида тарих фани бўйича «Билимлар беллашуви»нинг туман ва шаҳар босқичларида муваффақиятли иштирок этдим. Келажакда ўқитувчи бўлишни орзу қиламан. Бу эса ўз билими ва дунёқарашини муттасил бойитиш, тинимсиз изланиш демакдир. Давлатимиз раҳбарининг барчамиз учун энг улуғ ва азиз айём – истиқлолимизнинг 22 йиллик тантаналаридаги табригини кенг ва атрофлича ўрганиш асносида аждодларимиз орзу қилган бугунги ёруғ ва бахтиёр кунларга осонликча эришилмаганини яна бир бор дилдан ҳис этдик. Президентимизнинг «суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ўғил-қизларимизга, менинг фарзандларимга қарата айтмоқчиман: биз ўз олдимизга қўйган келажаги буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиган, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман», деган сўзлари барча ёшлар каби менинг ҳам қалбимга муҳрланди. Ушбу сўзлар бизни янада кўпроқ изланишга, чуқур билим олишга, юксак мақсадлар сари дадил интилишга ундайди.

Мактаб ўқувчиларининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Республика болалар кутубхонасида Ватанимизнинг мустақилликка эришиши йўлидаги курашлар, истиқлол йилларидаги дадил одимларга бағишлаб олимлар, маънавият тарғиботчилари, мутахассислар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, викториналар, давра суҳбатларида мунтазам қатнашаётгани уларнинг билими ва тафаккурини бойитишга хизмат қилмоқда.

– Энг улуғ неъмат – Ватанимиз мустақиллигининг маъно-мазмуни ёшларга турли кўрик-танловлар воситасида ҳам тушунтириб борилаётгани ўқувчиларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда, – дейди Республика болалар кутубхонаси директори Дониёр Ўролов. – Жумладан, яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган «Мустақиллик мадҳи болалар ижодида» ўқувчиларнинг иншолар танловига умумтаълим мактабларининг 1-, 9-синф ўқувчиларидан кўплаб ижодий ишлар тушди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг истиқлол байрами муносабати билан табригининг таълим, маърифат масканлари, ахборот-ресурс марказларида кенг ўрганилаётгани ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириб, уларда Ватан тақдири учун дахлдорлик туйғусини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Наманган Вилояти

ФЕРМЕР — ҚИШЛОҚДА ЕТАКЧИ КУЧ

# ТАРМОҒИ КЕНГ ХЎЖАЛИК

*Айни дамда Янгиқўрғон боғларида таърифи етти иқлимга кетган қирмизи олмалар пишиб етилди. Тумандаги 474 та фермер хўжалигидан 185 тасида мева ва узум етиштирилмоқда. Жумладан, "Алижон Отабек Наймулло" фермер хўжалиги асосан узумчиликка ихтисослашган. Хўжаликнинг жами 20 гектар ер майдонининг 17 гектарида узумнинг "ҳусайни", "тоифи", "чарос" навлари парваришланаётир.*



*Фермер Ҳамидулло Ҳасанов ва хўжалик аъзоси Муҳаммадулло Ҳасанов.*

– Хўжалигимиз 2007 йили ташкил этилган, – дейди фермер Ҳамидулло Ҳасанов. – Экин майдонларимиз қирадирликда жойлашгани боис, ишлов беришда, айниқса, суғоришда турли қийинчиликларга дуч келаётган эдик. Жорий йилда хўжалигимизда артезиан қудуқ ишга тушди. Натижада узумзорларда мўл ҳосил етиштирилди.

Кейинги йилларда хўжаликда нафақат узумчилик соҳаси, балки қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хўжалик аъзолари томонидан жорий йилнинг ўзида 480 килограммдан ортиқ пилла ҳосили олинди. Шунинг баробарида 30 сотихли ҳавзадан эл-юрт дастурхонига бир тоннадан ортиқ балиқ етказиб берилди. Айни пайтда қишлоқ марказида ёғочни қайта ишлаш цехи ишга туширилиб, кўплаб янги иш ўринларининг яратилганлиги ҳам фермернинг шижоатини, аҳди баландлигини кўрсатиб турибди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Жиззах Вилояти

МАВСУМ

# ҒАЛЛА ЭКИШ АВЖИДА

**Пахтазорларда ҳосил йиғим-терими тобора қизиётган шу кунларда омилкор фермер ва деҳқонларимиз 2014 йил ҳосили учун ғалла экишни ҳам жадаллаштирмоқдалар. Бу ишда биргина Мирзачўл туманида ўттизга яқин экиш агрегатидан унумли фойдаланиляпти. Уларнинг ҳар бири билан кунига 20-25 гектар майдонга уруғ сепилаётир.**



*Фермер Шуҳрат Жовбўриев механизатор Маҳмуд Тоштемиров билан экилаётган уруғ сифатини кўздан кечирмоқда.*

— Шу кунларда кузги ғалла экишнинг айни пайти, — дейди "Янгидала" сув истеъмолчилари уюшмаси раиси Қўчқор Маматов бизни Шуҳрат Жовбўриев бошлиқ "Қорабайир полвони" фермер хўжалиги пахтазори сари бошларкан. — Фермер-деҳқонларимиз келгуси йил ҳосили учун пешма-пеш ғалла экишга киришяптилар. Бу билан улар биринчидан, ғаллаларини айни агротехник муддатда экишга муваффақ бўлишса, иккинчидан, ғўзаларида кейинги пишиб етилаётган кўсакларни шамоллатиб, тезроқ очилишига эришишяпти. Мана, қаранг, ушбу далада уч кун бурун биринчи терим тугалланган эди. Хўжалик механизатори Маҳмуджон Тоштемиров куни кеча ғалла экишни бошлади-ю, экиш агрегати ўтган қаторлардаги ғўзалар бугунданоқ "кафт очиб", яна оппоқ момиқларини кўз-кўзлай бошлади. Биринчи терим тугалланган 12 та фермер хўжалигининг 10 тасида ғалла экяпмиз. Йигирманчи октябргача ҳудудимиздаги 34 та фермер хўжалигининг барчасида экиш тугалланади.

— Биз ҳозир Мирзачўлнинг адоғи ва Қизилқум саҳросининг бошланиш ҳудудида турибмиз, — дейди фермер Шуҳрат Жовбўриев эгат ичидан бир сиқим майин тупроқ олиб. — Беш кишилик жамоамиз билан бу ерни ўтган йилнинг шу кезларида қабул қилгандик. Ернинг олдинги эгалари ҳар гектар пахтазордан 20 центнердан, ҳар гектар ғаллазордан 30 центнердан ҳосил кўтаришган экан. Бу ерларда шўрланиш даражаси юқорилиги боис, экин майдонлари алоҳида эътибор талаб этади. Биз ўтган куз ва қиш ойлари давомида чигит экиладиган 40,4 гектар майдонни бир эмас, икки марта чуқур шудгорлаб, икки маротаба яхобга бостирдик. Бостирганда ҳам, кўллатиб-ойнаванд қилиб бостирдик. Бу билан ернинг тузини эритиб, анча пастга ҳайдадик. Ғалла эккан 46 гектар майдонимизда ҳам суғориш-шўр ювиш тадбирини илмий асосда, мутахассислар билан маслаҳатлашган ҳолда ташкил этдик. Бунинг устига чигит экиладиган ерга ҳам, ғалла экилган майдонларга ҳам жуда кўп маҳаллий ўғит ва фекаль чиқардик. Натижада экинлар ривожи учун яхши шароит яратишга эришдик.



Шуҳратжон бошлиқ фермер хўжалиги аъзолари ҳар гектар ғаллазордан 65 центнердан, ҳар гектар пахтазордан 26 центнердан хирмон чошлашди. Хўжалик аъзолари даладаги ҳосилни чамалаб, яна гектаридан 10-11 центнердан "оқ олтин" териб олишга аҳд қилишган.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар гектар пахтазордан 35 центнердан кам хирмон чошланмайди.

— Келаси йили ғаллазорларимиз ҳосилдорлигини 70-80 центнерга кўтармасак бўлмайди, — дейди фермер. — Бунинг учун сувчиларимиз Саидмурод Эгамбердиев билан Қиржигит Хурсандовлар уруғни тезроқ ундириб олиш учун экиш ортидан пешма-пеш нам суви тарашяпти. Даламиз тобга келиши биланоқ иккинчи теримни ўтказиб, ҳар гектар ҳисобига камида беш тоннадан маҳаллий ўғит жамғаришга киришамиз. Далани ҳосилдан тозалаб бўлганимиздан сўнг майсалаган ғалламизни аввал маъданли ўғитлар билан, сўнг маҳаллий ўғит билан озиқлантириб, қишки тиним даврига яна бир марта суғорамиз. Хуллас, касбини севган ва ардоқлайдиган деҳқон учун дала ишлари тугамайди — бирининг ортидан иккинчиси келаверади. Биз эса уларни сифатли ва ўз муддатида бажарибгина мақсадга эришамиз.

Ҳа, мақсад йўли — меҳнатда! Шунинг учун ҳам фермерлар хирмонлари пахтага тўлиши биланоқ, пайкалларини кечиктирмай ғалла майсалари билан "безаш"га ҳаракат қилишмоқдалар.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

НаВоий Вилояти

**Нурота туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги чорвадорлари қишловга пухта ҳозирлик кўришди. 4 та қўйчилик отарларининг қўра ва қўтонлари, қорамолчилик бригадаси бинолари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Қишлов жойларида етарли миқдорда ем-хашак жамғарилди.**

# ҚИШЛОВГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК БИЛАН

— 256 гектар суғориладиган майдонимиз бор, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Сулаймон Шодиев. – Бу йил унинг 120 гектарига буғдой, 80 гектарига беда экдик. Ғалладан юксак хирмон, сомондан белгиланган жойларда ғарамлар яратдик. Беда ҳам мўл бўлди. Йиғиштирилган чорва озуқаси мавжуд 181 бош қорамол, 1536 бош қўй-эчкини қишловдан олиб чиқиш учун бемалол етади. Бундан ташқари, чўпонларимизнинг ғайрати туфайли кўп миқдорда табиий хашак, янтоқ, каррак каби тўйимли озуқалар ҳам тўпланди. Айниқса, бу борада Алиқул Ҳожиев, Ҳусайн Бозоров, Ўткир Эгамов, Нурали Бозоров сингари тажрибали бош чўпонлар меҳнати таҳсинга сазовор.

Ширкат хўжалигида жорий йилда ҳар юз бош совлиқдан юздан қўзи олингани, 580 бош қўзининг ўстиришга қолдирилгани эътиборга лойиқ. Айни кунларда эса ширкатда совлиқларни қўчириш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ**

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТАДИ!

## Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Осиё ва Кавказ Глобал сув ҳамкорлиги ташкилоти билан ҳамкорликда 12-Республика экожурналистика танлови доирасида «Сув бу - ҳаёт» мавзуида фототанлов эълон қилади.

Фототанловни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад: ҳаёт манбаи бўлган сувдан оқилона фойдаланишни кенг тарғиб қилишдан иборат.

Танловга келиб тушган фотоматериалларни баҳолашда уларнинг сони, мавзуга қанчалик мослиги, ўзига хослиги ва сифати ҳисобга олинади.

**Ташкилотчилар томонидан:**
1-ўрин ғолибига — 800 000 сўм
2-ўрин ғолибига — 600 000 сўм
3-ўрин ғолибига — 400 000 сўм

Рағбатлантирувчи 2 та ўриннинг ҳар бирига 100 000 сўмдан пул мукофоти ажратилган.

Танловга ишлар 2013 йилнинг 30 ноябрига қадар қабул қилинади.

Фототанловда профессионал фотомухбирлар ва ҳаваскорлар иштирок этишлари мумкин.

**Фототанловга тақдим этиладиган материалларга қўйиладиган талаблар:** Материалларда табиат гўзалликлари, Марказий Осиёнинг сув экотизими, Ўзбекистон сув хўжалиги объектларининг техник ютуқлари ўз аксини топиши шарт.



**Шунингдек:**
— табиий сув оқимлари, шаршаралар, булоқлар, сув ҳавзалари, кўллар ва сув билан боғлиқ бўлган бошқа табиат объектлари,
— тўғонлар, дарёлардаги сув иншоотлари, йирик каналлар, каналлар ва зовурлар,
— сув омборлари, сел сувларини тўплаш сунъий ҳавзалари,
— насос станциялари,
— Гидроиншоотлар ва ички хўжалик суғориш гидропостлари,
— Фавворалар, истироҳат боғларидаги сув ҳавзалари.

Материалларда унинг муаллифи, тасвирга олиниши вақти, тасвирга олинган объектнинг номи ҳамда географик жойлашуви акс этиши лозим.

Ташкилотчилар танловга келиб тушган фотосуратлардан Республика халқ хўжалиги ютуқларини акс эттирадиган нашрларда фойдаланиши мумкин.

**Материаллар электрон шаклда қуйидаги манзилга тақдим этилиши лозим:** vadim sokol@mail.ru, vadim@icwc-aral.uz, khaydar@mail.ru, i.babaev@cgiar.org

**Қўшимча маълумот учун телефонлар:** +99890 948-54-95, +99890 212-66-34.

*Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!*

# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Лот №55-1. Шаҳрисабз тумани Ўзбекистон ҚФЙ Янгибоғ қишлоғидаги намунавий уй-жойлар учун оқова сув тармоғи қурилиши.**

**Объектнинг бошланғич нархи** қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 258.646.403 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 215.538.669 сўм, **қурилиш муддати** – 2 ой.

**Лот №55-2. Китоб тумани Чармгар массивида 5-этап оқова сув тармоғи қурилиши.**

**Объектнинг бошланғич нархи** қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 135.459.311 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 112.882.759 сўм, **қурилиш муддати** – 2 ой.

**Буюртмачи:** Қашқадарё вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Қарши шаҳри «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй. Тел. (8-375) 227-13-51, 227-18-87.

**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

*Ушбу объектлар танлов савдолари истисно тариқасида кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.*

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) кирилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси - **«Давархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Қарши шаҳар Хонобод шоссеси кўчаси 46А-уй, Телефон/Факс: (8-375) 224-05-24, 224-18-33.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи– 90 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда Қарши шаҳри «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уйда ўтказилади.

*Кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига!*

# «СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Лот-1/1. Наманган вилояти Чуст тумани Чуст шаҳридаги туман бўлими жиноий ишлар бўйича суди маъмурий биносини мукаммал таъмирлаш.**

**Бошланғич нархи** ҚҚС билан 237 926 179 сўм, ҚҚСсиз 198 271 816 сўм. **Бажариш муддати** 150 кун.

**Лот-1/2. Наманган вилояти Поп тумани Поп шаҳридаги туман бўлими жиноий ишлар бўйича суди маъмурий биносини мукаммал таъмирлаш.**

**Бошланғич нархи** ҚҚС билан 140 953 465 сўм, ҚҚСсиз 117 461 221 сўм. **Бажариш муддати** 150 кун.

**Буюртмачи:** Наманган шаҳри Шерозий кўчаси 3пр, 5-уйда жойлашган Суд қарорларини ижро этиш, Судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси. Тел: (8-369) 233-03-71, факс 233-49-04.

**Лойиҳани молиялаштириш:** Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

*Диққат. 500 млн. сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.*

**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак:** танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

